




“САЙЛОВ-2019”

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ФАОЛЛАРИ УЧУН ТРЕНИНГ

1-кун



Сентябрь 2019 йил



ИШТИРОКЧИЛАР БИЛАН ТАНИШУВ



“САЙЛОВ – 2019”


участка сайлов комиссияси фаоллари учун тренинг дастури

МАҚСАД:


сайловларни ташкил этиш, сайловга оид қонунчилик ва сайлов жараёнида вужудга келадиган турли масалаларга тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш

ВАЗИФАЛАР:

сайлов ташкилотчисининг участкаларни жиҳозлаш, муддатидан олдин овоз бериш, сайловни ўтказиш, натижаларни аниқлаш ва эълон қилиш, такрорий овоз бериш, жавобгарликка оид билим ва кўникмаларини ривожлантириш, мулоқот самарадорлигини ўргатиш, сайёр машғулот ўтказиш



**Тренингни самарали ўтказиш учун
қайси қоидалар муҳим деб
ҳисоблайсиз?**



“САЙЛОВ – 2019”

участка сайлов комиссияси фаоллари учун тренинг дастури

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА:

сайлов юқори савияда ва халқаро талабалар даражасида ташкил этилади, сайлов жараёнида вужудга келадиган турли масалаларга қонуний, тезкор ва сифатли ечим топа олиш бўйича билимлар мустаҳкамланади ва кўникмаларни ривожлантирилади

“САЙЛОВ – 2019”

участка сайлов комиссияси фаоллари учун тренинг дастури

1-кун:**НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАР****1**

Сайловнинг мазмун-моҳияти ва сайловга оид қонунчилик

2

Сайлов комиссиялари ва уларнинг ваколатлари

3

Сайлов жараёни иштирокчилари

4


Сайлов участка аъзоларининг мулоқот самарадорлиги

“САЙЛОВ – 2019”


участка сайлов комиссияси фаоллари учун тренинг дастури

**2-кун:
АМАЛИЙ-ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

- 5 Сайловда овоз берувчилар рўйхати
- 6 Сайлов участкаларини жиҳозлаш
- 7 Муддатидан олдин овоз бериш
- 8 “Сайлов куни”ни ўтказиш
- 9 Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш
- 10 Такрорий овоз бериш, такрорий сайлов
- 11 Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик





1-МОДУЛЬ.
САЙЛОВЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ
ВА САЙЛОВГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК





САЙЛОВ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?



Видеолавҳа тақдимоти

Сайлов - бу фуқароларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиш йўли билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклидир.


Сайлов – бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи.

Демократик сайловларнинг асосий принциплари умумий, тенг, тўғридан - тўғри, яширин овоз бериш.



Сайловлар ягона Сайлов кодекси билан тартибга солинади



Ақлий ҳужум саволлари



—
**САЙЛОВ
ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
САЙЛОВ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА
НИМАЛАР КИРАДИ?**



Видеолавҳа тақдимоти

Сайлов қонунчилиги:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Сайлов кодекси.
3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.
4. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс.
5. Жиноят кодекси.
6. Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар.





**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 117-модда

Ўзбекистон Республикасининг
фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик
органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига
эгадирлар.


Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш
ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги
ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.



Сайлов кодексининг қабул қилиш зарурияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини қўйган эдилар.



САЙЛОВ КОДЕКСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?





Видеолавҳа тақдимоти

САЙЛОВ СОҲАСИДАГИ 5 ТА ҚОНУНЛАР ЯГОНА САЙЛОВ КОДЕКСИГА БИРЛАШТИРИЛДИ.

Сайлов кодекси 18 та боб, 103 та моддадан
иборат.

**Қуйидаги қонунлар ўз кучини йўқотган
деб топилди:**

1.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ
ТЎҒРИСИДА

2.

ФУҚАРОЛАР
САЙЛОВ
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

3.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ
ТЎҒРИСИДА

4.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ
МАЖЛИСИГА
САЙЛОВ
ТЎҒРИСИДА

5.

ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ, ТУМАН
ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА
САЙЛОВ
ТЎҒРИСИДА

Кодекс қуйидаги янгиликларни назарда тутади:

- Қонунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратиш институти тугатилди;
- Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ўзини ўзи бошқариш органларидан номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди;
- Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш тартиби қонунан тартибга солинади, бунда сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳам ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади;

Кодекс қуйидаги янгиликларни назарда тутди:

- Сайлов бюллетенида сайловчи томонидан бир нечта белги (+, √, x) дан бирини қўйиш имконияти берилди;
- Муддатдан олдин овоз беришда “сайлов варақаси” бекор қилинди;
- Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш имконияти берилди;

Кодекс қуйидаги янгиликларни назарда тутади:

- Сайлов участкаларида участка сайлов комиссиясининг овозларни санаш тўғрисидаги баённомасининг дарҳол жамоатчилик муҳокамаси учун 48 соатдан кам бўлмаган вақтга илиб қўйиш тартиби ўрнатилди;
- Участка сайлов комиссияларининг овоз бериш жараёни тугагандан кейин амалга оширадиган аниқ ҳаракатлари назарда тутилмоқда (овозларни санаш, баённомаларни тузиш, округ сайлов комиссиялари билан ўзаро алоқалари ва х.к);

Кодекс қуйидаги янгиликларни назарда тутади:

- Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди;
- Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама ва тавсия этиладиган участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодлари бўйича жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг таклифлари олиниши тартиби ўрнатилди;
- Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши ўн фоиздан ошмаслиги тартиби ўрнатилди;

Кодекс қуйидаги янгиликларни назарда тутди:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди;
- Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузиш тартиби ўрнатилди;
- Сайловларда овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди.

**2-МОДУЛЬ.
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

Ақлий ҳужум саволи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАНДАЙ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ БОР?

видеолавҳа



Сайлов комиссиялари тизими



Марказий
сайлов
комиссияси

Вилоят, туман
ва шаҳар
сайлов
комиссиялари

Округ
сайлов
комиссиялари

Участка
сайлов
комиссиялари





Видеолавҳа тақдимоти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ (МСК)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси сайловини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади.

МСК ВАКОЛАТЛАРИ:

САЙЛОВ КОДЕКСИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАЙДИ ВА НАЗОРАТ ҚИЛАДИ;

САЙЛОВ СОҲАСИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ
ҚИЛАДИ, ЙЎРИҚНОМА ВА НИЗОМЛАРНИ
ТАСДИҚЛАЙДИ;

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЎЙИЧА
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗАДИ;

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
НОҚОНУНИЙ ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР
ҚИЛАДИ;

ЧЕТ ДАВЛАТ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР
КУЗАТУВЧИЛАРИГА МАНДАТ БЕРАДИ;

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА
НОМЗОДЛАРГА САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИ
УЧУН ТЕНГ ШАРОИТЛАРНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЎЙИЧА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ

↓

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи
Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва
Тошкент шаҳар Кенгашларининг
тақдимномасига биноан

↓

Марказий сайлов комиссияси томонидан
тузилади



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЎЙИЧА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг
маъмурий-ҳудудий тузилиши инобатга
олинган ҳолда белгиланади.



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЎЙИЧА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ

150
САЙЛОВ ОКРУГИ
ТУЗИЛАДИ



ҲАР БИР САЙЛОВ
ОКРУГИДАН БИТТА
ДЕПУТАТ САЙЛАНАДИ.

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛАДИ:

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Кенгашларига сайлов ўтказиш учун

60

ТАДАН
КЎП БЎЛМАГАН

Туман ва шаҳар Кенгашларига
сайлов ўтказиш учун

30

ТАДАН
КЎП БЎЛМАГАН

САЙЛОВГА КАМИДА

70

КУН ҚОЛГАНИДА

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
БЎЙИЧА МСК ТОМОНИДАН

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР
БЎЙИЧА ВИЛОЯТ,
ТУМАН, ШАҲАР САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ
ТОМОНИДАН

КОМИССИЯ РАИСИ, РАИС ЎРИНБОСАРИ, КОТИБИ ВА
6-8 НАФАР АЪЗОДАН ИБОРАТ ТАРКИБДА ТЕГИШЛИ
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛАДИ.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ:



ҳудудида Сайлов кодекси ижросини назорат қилади;



участка сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштиради;



сайлов участкаларини тузади, тартиб рақамини белгилайди, манзили ва таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;



сайлов участкалари манзили ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

Округ сайлов комиссиялари ваколатлари:

- УСКни тегишли низом, қоида ва йўриқномалар билан таъминлайди;
- Номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлайди;
- Номзодлар ва сайловчилар ўртасида учрашувларни ташкил этишга кўмаклашади;
- Номзодларнинг ишончли вакилини рўйхатга олади ва гувоҳнома беради;
- Сиёсий партиялар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларнинг кузатувчиларига мандат беради.



САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ



Туман ва шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари туман ва шаҳарларнинг чегаралари инобатга олинган ҳолда тузилади.

Участка чегаралари бошқа сайлов округлар чегарасини кесиб ўтмаслиги керак.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ
(қоида тариқасида)



20

камида йигирма нафар



60

кун қолганида



3000

кўпи билан уч минг
нафардан ошмаган
сайловчини инобатга
олган ҳолда тузилади

**УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
(УСК) округ сайлов комиссияси
томонидан сайловга камида**

40

**кун қолганида 5 – 19 нафар
аъзодан, шу жумладан раис, раис
ўринбосари ва котибдан
иборат таркибда тузилади.**

**Агар УСК 7 нафаргача аъзодан
иборат таркибда тузилса, раис ва
котиб сайланади.**

**21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий
маълумотли, сайлов борасида иш
тажрибасига эга фуқаролар сайлов
комиссияси аъзоси бўлиши
мумкин.**

УСК аъзоларининг ярмидан кўпи 1 та ташкилотдан бўлиши **МУМКИН ЭМАС.**



Қуйидагилар комиссия аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- бошқа сайлов комиссияси аъзоси;
- сиёсий партиялар аъзолари;
- ҳокимлар, прокуратура ва судлар мансабдор шахслари;
- номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари;
- номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар.

УСК ВАКОЛАТЛАРИ:



- Участка бўйича сайловчилар рўйхатини аниқлаштиради;
- сайловчиларни рўйхат билан таништиради, хатоликларни кўриб чиқади ва ўзгартиш киритади;
- муддатидан олдин овоз берган сайловчилардан бюллетенларни ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;
- аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- УСК биносини тегишли жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;
- овозларни санаб чиқади;
- сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчилари
- мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда қарорлар қабул қилади.

Участка сайлов комиссияси раиси:

участка сайлов комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;

участка сайлов комиссияси мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;

комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда участка сайлов комиссияси номидан иштирок этади;

участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хонасининг жиҳозланишини ташкил этади;

участка сайлов комиссиясининг қарорлари, участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзоларининг гувоҳномалари ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;

участка сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кундаги вазифаларини белгилайди;

номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақида юқори турувчи сайлов комиссиясига хабардор қилади;

Сайлов қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.



Участка сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек участка сайлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки участка сайлов комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

- ❑ участка сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;
- ❑ комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- ❑ участка сайлов комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;
- ❑ оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалар ўрнатади, уларда комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;
- ❑ жисмоний ва юридик шахсларни, шунингдек уларнинг вакилларини қабул қилади ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил этади;
- ❑ сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакилларини, ОАВ вакилларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олишни ташкиллаштиради;
- ❑ участка сайлов комиссияси аъзоларини жалб этган ҳолда комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;
- ❑ участка сайлов комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;
- ❑ ўз ваколатлари доирасида участка сайлов комиссиясининг бошқа аъзоларига топшириқлар беради;
- ❑ Сайлов қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси котиби:

участка сайлов комиссияси мажлисларини ташкиллаштиради, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

участка сайлов комиссияси аъзоларини комиссия мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади;

участка сайлов комиссияси раиси ва раис ўринбосари топшириқларини бажаради;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига тааллуқли иш ҳужжатларини номенклатура асосида юритиб боради;

сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш учун участка сайлов комиссияси аъзоларининг уйма-уй айланиб чиқишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштириб боради. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини назоратга олади;

участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ўз ваколатларини бажара олмаган тақдирда, унинг ваколатларини амалга оширади;

Сайлов қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

УСК ТОМОНИДАН САЙЛОВ КУНИГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР:

1. УСК биринчи ташкилий йиғилишини **(3 кунда)** ўтказиш, унда иш режани тасдиқлаш ҳамда навбатчилик жадвали қабул қилиш;
2. Сайлов даврида УСКнинг доимий фаолият юритадиган аъзоларни **(3 нафаргача)** белгилаш;
3. УСК иш ҳужжатлари номенклатурасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

УСК ТОМОНИДАН САЙЛОВ КУНИГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР:

4. УСК томонидан амалга ошириладиган тадбирларни режалаштириш;

Масалан:

- овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида (сайловдан камида 15 кун олдин), участка сайлов комиссияси аниқ манзили, телефон рақами, иш вақти, сайловчилар рўйхати ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш учун сайловчиларни хабардор қилиш;
- сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиш;
- комиссия аъзолари вазифаларини тақсимлаш;
- олинган бюллетенларни тасдиқлаш ва сақланишини таъминлаш.

УСК ТОМОНИДАН САЙЛОВ КУНИГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР:

5. Участка биноси ва овоз бериш хонасини шай ҳолатга келтириш;

6. Овоз бериш вақти ва жойи ҳақида сайловдан камида 10 кун олдин хабар бериш;

7. Участка ҳудудидаги ногирон, бемор, қариялар рўйхатини шакллантириш.

3-МОДУЛЬ.
САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Сайлов жараёнида кимлар иштирок этади?



ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОКИ



САЙЛОВЧИЛАР



САЙЛАНУВЧИЛАР

Сайловчилар

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
ФУҚАРОЛАРИ ДАВЛАТ
ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИГА САЙЛАШ
ВА САЙЛАНИШ
ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ
БИР ОВОЗГА ЭГА.

САЙЛОВ КУНИ ЎН
САККИЗ ЁШГА ТЎЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛАРИ САЙЛАШ
ҲУҚУҚИГА ЭГАДИР.

ФУҚАРОЛАР ЖИНСИ,
ИРҚИЙ ВА МИЛЛИЙ
МАНСУБЛИГИ, ТИЛИ,
ДИНГА МУНОСАБАТИ,
ИЖТИМОЙ КЕЛИБ
ЧИҚИШИ, ЭЪТИҚОДИ,
ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОЙ
МАВҚЕИ, МАЪЛУМОТИ,
МАШҒУЛОТИНИНГ ТУРИ
ВА ХУСУСИЯТИДАН
ҚАТЪИ НАЗАР, ТЕНГ
САЙЛОВ ҲУҚУҚИГА
ЭГАДИР.

КИМЛАР САЙЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ЭМАС?

- ⊘ Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар;
- ⊘ Оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар

КИМЛАР САЙЛАНИШ ҲУҚИҚИГА ЭГА?

- ✓ Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир.
- ✓ Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга.

КИМЛАР САЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС?

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар;

Содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

Сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари;



Судьялар, прокуратура органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (бундан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мустасно) депутат этиб сайланган тақдирда, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериш шарти билан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН,
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН,
БОШҚА ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАР**

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари қайси жараёнда бевосита иштирок этади?

- сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида
- ҳужжатларни топширишда
- имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда
- сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда



Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

Номзодларнинг ишончли вакиллари



Номзодларнинг ишончли вакиллари қандай ваколатларга эга?

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли, ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.





Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакиллари ўз хоҳишига кўра белгилайди ва улар ҳақида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилади.

Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳномалар беради

Номзод сайловга қадар ўз ишончли вакилини тегишли сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда исталган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин.

Ишончли вакил исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.



КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.



КУЗАТУВЧИЛАР



Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади.

КУЗАТУВЧИЛАР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яшрин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;



овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

агар тегишли сайлов участкасида ушбу кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

КУЗАТУВЧИЛАРГА НИМА ТАҚИҚЛАНАДИ?

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилариини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.



Видеолавҳа тақдимоти



Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширадилар.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ (ОАВ) ВАКИЛЛАРИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ОАВ
ВАКИЛЛАРИ САЙЛОВГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШГА ДОИР БАРЧА
ТАДБИРЛАРНИ ЁРИТИШ, САЙЛОВ
КУНИ ОВОЗ БЕРИШ БИНОЛАРИДА
ҲОЗИР БЎЛИШ, ШУ ЖУМЛАДАН
ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ ЧОҒИДА
ҲОЗИР БЎЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

**ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ
ВАКОЛАТЛАРИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ,
ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН
ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН
ТАСДИҚЛАНГАН БЎЛИШИ
КЕРАК.**

**4-МОДУЛЬ.
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
АЪЗОЛАРИНИНГ МУЛОҚОТ
САМАРАДОРЛИГИ**

Мавзу: Мулоқот самарадорлигининг қоидалари

- ✓ Мулоқот маданият деганда нимани тушунасиз?
- ✓ Мулоқот маданиятида нималарга эътибор қаратиш лозим?
- ✓ УСК аъзолари сайловгача ва сайлов куни кимлар билан мулоқотга киришадилар?
- ✓ Сайлов кунда УСК раиси ва аъзолари мулоқот маданиятига оид қандай билимларга эга бўлишлари лозим?

Мулоқот самарадорлигига
оид ролик томоша қиламиз.



Ролик сизга ёқдими ва бу роликдан қандай амалий кўникмалар олдингиз?

Сайлов вақтида қандай одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилишлари зарур деб биласиз?

Мулоқот вақтида миллий минталитетимиз ва анъаналаримизни ҳам инобатга олиш зарурми?

Сайловчилар билан мулоқот ролли ўйини ўтказилади.

Ақлий ҳужум саволлари:

ОАВ деганда нимани тушунасиз?

ОАВнинг турларини санаб беринг?

ОАВнинг мандат ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?

Сайлов жараёнида уларда қандай ваколатлар мавжуд?

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда мурожаатнинг қандай тури ва шаклларига эътибор бериш керак?

1-кун якуни бўйича хулосалар